

ТОШКЕНТ ОКШОМИ

№ 30 (5621).

5 ФЕВРАЛЬ 1985 й.

СЕШАНБА

Газета 1986 йил
1 июлда чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



КПСС XXVII съезди ва Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига

Фан—ишлаб
чиқаришга

АППАРАТ «ИМТИҲОН» ОЛАДИ

Беруний номидаги Халқлар дўстлиги ордени Тошкент политехника институтига доцент П. Р. Исмаилов ва аспирант А. Ш. Шокамолов ишлаб чиқариш ва билан мўлжалланган чоғиштирма ускуна кўпчилигини таъминлашга ўзига жалб этмоқда. Бу янги таъминлаш техникаси воситаси олий ўқув юрталари, техникумлар, билан юрталар, мактаблар, корхоналарда ўқувчиларнинг таълим билимининг ўзига хос «имтиҳон» қилади.

Бу янги ишлаб чиқилган турдошлардан ўта ишончлиги, конструкциясининг содда тузилганлиги ва арзонлиги билан ажралиб туради.

Хозирги пайтда бу янгилик «Имтиҳон» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг экспериментал завожда 200 данан ортиқ ишлаб чиқарилади ва политехника, автомобиль йўллари, ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш ишларида мундариқатли ишлатилмоқда.

«СУОК» деб аталган бу ускуна СССР Халқ Ҳўжалиги Ютуқлари Ўнлашмасида намоиш этилиб, бронза медали билан тақдирланди.

И. МИРХУЖАЕВ.

КАҲРАМОН РАССОМ КЎРГАЗМАСИ

БУГУН

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейида таниқли рассом, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Самир Абдуллаевнинг 40 йиллик ижодий фаолиятига бағишланган кўргазмага тайёргарлик ишлари бошлалди. Совет халқи немис-фашист босқинчилари устидан қозongan Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган ушбу кўргазмада мусавирнинг салкам чорак аср давомида яратган рангтаъсир, бадиий графика ҳамда хилма-хил натурортлари кенг ўрни олади.

Ушбу кўргазмада рассомнинг Улуғ Ватан уруши мавзуда яратган полотнолари намоиш этилади. Уруш йилларидаги Қрим, Куба, Банг сингари шаҳарлар манзаралари шулар жумласидандир.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

Париж. Парижда чиқадиган «Пари с е суар» оқшом газетаси бир ой ҳам умр кўрмади. Унинг биринчи сони 7 январда чиққанди. Газета дирекцияси газетани сотишдан келадиган тушум харажатларини қоплаш олмаганини сабаб этиб қўришти, газета чиниши тўхтатилганлигини эълон қилишга мажбур бўлди.

Парижда чиқадиган газетанинг молиявий умуман Франция матбуоти тангликига уйраганини кўрсатувчи бир мисолдир. Франциянинг энг катта оқшом газеталаридан «Мондо» газетаси ёпилиб қолди хавфидан турганлигини айтиш кифоя. Бу газетанинг бултур кўрган зарари 18 миллион франкка етди.

Ленин бунда кўндан кўп газета-журналлар ва хусусий радиостанциялар эгаси Р. Эрсанинг ишигина ҳамон раванга томонда. У ҳатто ўз теизонинг станциясини очини ҳам мўлжалламоқда. Бунинг сабаби аён — мамлакатнинг ўрнқулар ва йирин буржуазия унга ҳар томонлама, жумладан кўндан кўп рекламалар билан уни таъминлаб, мадад берилган.

Кўддус. Шаҳарнинг Исроил босиб олган шарий қиёмидаги ҳамма магазини ёпилиди. Араб савдо палатасининг даъватига биноан магазин эгалари «огоҳлан»тирувчи забастовка» ут-наздиклар. Франс Пресс агентлигининг хабар берилишича, забастовка Исроил маъмурулари солиқни тоғдада оширишга қарор берганлигига қарши нозорилик белгиси сифатида эълон қилинган. Забастовка қатнашчиларидан бири — тайёр қиймлар магазинининг эгаси айтишича, солиқ

ни қарийб 600 процент кўпайтириш мўлжалланаётганлиги майда араб дўконларини тамоман қонсавирган қилади.

Босиб олган араб территорияларидаги араблар олинган бевосита ва бевосита солиқларини кўпайтириш — Исроил сўнайтиш ҳукмдорлари арабларни ўз ерларидан ҳайдаш йўлини ўтказишларида ердан берувчи воситалардан бириди. Исроил маъмурулари ана шу мақсада араблар учун нурт-тада чидаб бўлмайдиган турмуш шароитларини

яратганлар, араблар истиқомат қилмайдиган маҳаллаларга сув ва электр энергиясини беришни тўхтатиб қўймоқдалар. Писовард натижада булдоқлар солиб, уларнинг ўй-жойларини янсон қилмоқдалар.

МАПУТУ. Мозамбик пошта-телеграф матбуот кооперативларида қасба союзи комитетлари тузилмошди. Уларнинг асосий вазифаси — меҳнат интизоми ва ушбу йўналишда мустақамлаш, дам, профессионал даражани ошириш, меҳнат

нашларининг социал-маирий турмуш шароитларини яхшилашдан иборатдир.

Матбуот кооперативлари Мозамбикнинг социал-иқтисодий ҳаётда муҳим роль ўйнамоқда. Матбуотда аҳолининг 36 процентини кооперативларга жалб қилинган. Мамлакатда жами 1400 тадан кўп шундай бирлашма бўлиб уларга аҳолининг қарийб 20 проценти кирди.

ТРИПОЛИ. Бу ерда араб мамлакатлари нефть саноати ходимла-

рининг биринчи семинарини ишчи тугатди. Семинар қатнашчилари нефть қазиб чиқариш ва қайта ишлаш, региондаги давлатларнинг иқтисодий индустриаллаштириш масалаларини, шунингдек ривожланиётган мамлакатларда Гурб нефть корпорациялари тўғрисидаги сўзлашувларни қатнаштириш чораларини кўриб чиқдилар. Улар Ливия нефть қайта ишлаш саноатининг базаси объектларини билан ҳам танишиб чиқдилар.

ОБҲАВО

Вутун эрталаб соат 11 да Тошкентда 7 даража иссиқ бўлди. Вутун кечаси 1-3, эртага кундузи 7-9 даража иссиқ бўлади.

«МОНДУ» ГАЗЕТАЛАРДА

4 февраль кунин Воронежда Железнодорожный сайлов округининг сайловчилари РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод — КПСС

Марказий Комитетнинг секретари Михаил Васильев вич Зиминин билан учрашди.

Подольск шаҳар сайлов округи сайловчиларининг РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод, КПСС Марказий Комитетининг сек-

ретари Иван Васильевич Капитонов билан 4 февраль кунин бўлиб ўтган учрашуви ишчанлик қайфиятини, сайлов кунини ҳаётнинг барча соҳаларида ютуқлар билан кутиб олиш иштифрини яққол намоиш этди.

Ўзбекистон ССР саноат, транспорт, алоқа, савдо, умумий оқватлаш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, министрликлар, идоралар ва саноат корхоналари ходимларининг 1985 йилги социалистик мажбуриятлари эълон қилинган.



24 ФЕВРАЛЬ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

51-сайлов участкасининг агитколлективини ҳозир ўзларига бириктирилган сайловчилар рўйхатини икки бор ўрганиб чиқишни бошлади. Агитпунктга сайловчилар рўйхати осиб қўйилган. Агит-

АГИТПУНКТГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!

торлар микрорайон аҳолисини агитпунктга келиб, ўз фамилияларини рўйхатга қандай ёзилганини кўришга ва ноаниқликлар бўлса тузатишга таклиф этилган. Агитпунктга сайловчилар бу ерга келиб 24 февраль кунин ўзлари овоз берадиган ҳалқ депутатлигига номзодларнинг борлигини билан яна бир бор танишиб ишончлигига эга бўладилар — дейди «ВНИИВОДГЕО»нинг Тошкент филиали партия ташкилот секретари С. А. Канева.

Агитколлектив составига филиал ходимларидан ташки Чилонзор райлишчоторт ва Марказий архив бошқармаси ходимлари киритилган. Улар сайловларда икки бор қатнашаётган ёшлар ўрасида катта тушунтириш ишлари олиб бормоқдалар. Кечкурун, техникумдаги дарсдан сўнг агитпунктга Надя Аврутина кириб келди. У агитаторлардан овоз бериш тартибни қандайлигини сўради. Агитаторлар унинг саволига жавоб бериб, мамлакатимиз сайлов системаси ҳақида ҳикоя қилувчи ада-

биётлар билан таништиришди. Надя агитпунктдан чиқиб кетар экан, сайловлар кунин сайлов участкасига бириктириб бўлиб келажакни изҳор этди.

СУРАТДА: агитпунктга хуш келибсиз — унинг эшикларини сайловчилар учун ҳаммаша очиб; участка сайлов комиссияси аъзоси «ВНИИВОДГЕО» патентшувослик сектори инженер Ирина Полтавченко.

ХАЛҚ ИШОНЧИ

Республикада Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар билан учрашувлар юксак сиёсий активлик вазиятида давом этмоқда. Меҳнат коллективларининг раёналари комму-

нистлар билан партиясизлар бузилмас блокнинг муносиб номзодлари учун овоз беришга тайёр эканликлари, шу йил, умуман беш йиллик топириқларини муваффақиятли бажаришга, КПСС

XXVII съездини, Улуғ Ватан урушида совет халқи қозongan Ғалабанинг 40 йиллигини юксак меҳнат ютуқлари билан нишонлашга иштирокчилари тўғрисида гапирмоқдалар.

Тошкент шаҳридаги 26-Жданов сайлов округининг сайловчилари республика Олий Совети депутатлигига номзод — Ўзбекистон ССР

Фанлар академиясининг вице-президенти Кузьма Иванович Лапкин билан учрашди.

Депутатликка номзодлар юксак ишонч учун қизгин миннатдорчилик изҳор қилдилар ва шу ишончни оқлаш, олинган нақзаларни бажариш учун бутун кучини сарфлаш, деб ваъда бердилар.

(ЎТАҒ).



САЙЛОВЧИЛАРГА МАДАНИЙ ХИЗМАТ

Жойлардаги сайлов участкалари ва агитпунктларда эрта тоғданон қарийб-сўғайи, садолари баралла янгирайдиган кун тобора яқинлашмоқда. Ўз номзодлари учун овоз беришга келган сайловчилар бадий коллективларнинг ранг-баранг концерт программалари билан кўрадилар. Яхши икром этилган ҳар бир жозибали рақс ёки дираббо қўшиқ ишчилар қайфиятини янада чор, кўнглини равшан қилади.

Собир Раҳимов районидидаги маданият уйларидаги бадий ҳаёлотларининг бадий ҳаёлотлари — созан, васкорлари — созан, Пахта, Ойбек, Бегуний, А. Навиев каби маҳаллаларда яшовчи мингтаб сайловчиларга намуналий маданий хизмат кўрсатадилар.

А. ТОЛИПОВ.

ШУ КУНИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Ўрта Осиё темир йўли бошқармасининг Собир Раҳимов районидидаги 14-рельс пайвандлаш заводи коллективини йил бошдан бўён пайвандлаб чиқарган излар йитирма минг метрдан ошиб кетди. Коллектив бу махсулотни Тошкент ва Чорқўй темир йўли бўлимларига юнатди. Корхонада меҳнат илгорларидан бири, пайвандчи В. Старков 1986 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Фрунзе районидидаги пластмасса буюмлари заводида беш йиллик илгорлари сафи қайтадан бормоқда. 1986 йил ҳисобига махсулот ишлаб чиқараётган илгорлар орасида З. Қаномов, Г. Жарикова, З. Попова, Х. Эгамбердиев, М. Петрова ва бошқалар бор. Улар аҳолига кенг истеъмол буюмлари етказиб беришда чинакам новаторлик қилмоқдалар.

Вутун эрталаб соат 11 да Тошкентда 7 даража иссиқ бўлди. Вутун кечаси 1-3, эртага кундузи 7-9 даража иссиқ бўлади.



Р. Ҳамитов 1963 йилдан бери «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасида фидокорона меҳнат қилиб келади. Самарли меҳнатлари учун илгор тоқар Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган. У Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига бошланган зарбдор 40 ҳафталикда ақтия қатнашиб,

бир беш йилликда икки беш йиллик топиригини бажаришга сўз берган. Айни кунларда зарбдор ишчи ўз сўзининг устидан чиқиб ўзини фидокорона меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: коммунистлик меҳнат зарбдори Р. Ҳамитов.

Т. Каримов фотоси.



БУРУЧГА САДОҚАТ

кемта жойлашган Ўзбекистон энгил саноат корхоналарининг ишчи-хизматчилари, инженер-техник ходимлари ташаббусининг қаровонини бўлиши. Ҳа ҳаққидан бир миллион сўмликдан ортиқ кийим-кечак, эгар-жабуқ ва бошқа асбоблар тайёрлаб душмандан озод этилган районларга юборилди. Бундан ташқари Тошкент тўқимачилари ва пойафзалчилари тежасли газлама ва чарм ҳисобига 5.500 жуфт оёқ кийим, 1500 та кийим-кечак тайёрлаб душмандан озод этилган районларга юборилди.

Ташаббус кун сайин қанот эзди. Тошкентлик ватанпарварларга қўшилган шу колхоз аъзоси Саидабби Омонова 300 сўм пул, бир қўй билан ёрдам қилди.

Иваново областининг Родниковский району аҳолиси Совет Иттифоқидан барча меҳнаткашларга мурожаат қилиб, душмандан озод этилган районларга кўчириб келишга ёрдамчи бўлишга даъват этилди. Бу даъватга яна тошкентликлар биринчи бўлиб «лаббай» дедилар. Шаҳар корхоналари ва муассасаларининг ходимлари қисқа вақт ичда қардўшларга ёрдам фондига 1,5 миллион сўм маблағ тўпладилар. 4 минг тонна ёқилғи, 320 тонна сабза-

ват ва бошқа хил озиқ-овқат маҳсулотлари тўпладилар.

1943 йилда Тошкент областининг Янгийўл, Паркент районлари хўжаликларидан душмандан озод этилган районларга ёрдам тариқасида 200 гектардан ортиқ ерга дон ва озуқабоб экинлар экилди. Шунингдек, Қорасул районига 7 гектар ерга экилган сабзавот йиғилтирилди, озод қилинган районлар аҳолисига ва госпиталларга даволанаётган ярадорларга юборилди.

Душмандан озод этилган районлар аҳолисига ёрдам беришнинг намунали ташкил этган тошкентликлар ташаббусини Андижон области меҳнаткашлари ҳам қизғин маъқулладилар. Улар 1943 йилда 1000 гектардан ортиқ ерга дон ва сабзавот экинлари экиб, олинган ҳосилни фашистлар зулмидан жабр

Вақтинча немис-фашист босқинчилар асоратида қолган территориялардан совет кишилари ўз халоскорларини — Қизил Армияни зўр хайло билан қутқариб олдилар. Аммо, озод этилган ерлардаги бор нарсани қароқчилар талаб, ер билан яқин қилган эдилар. Эндиликда бу жойларни қайта тиклаш лозим эди. Ана шунда барча совет халқи уларга ёрдам қўлини чўздди. Биргина Ўзбекистоннинг меҳнаткашлари фашистлардан озод этилган районларга қўйлаб ғалла, озиқ-овқат кийим-кечак, пойафзал, асбоб-ускуна, чорва моллари, техника воситаларни йўллаб, ўз биродарларини қўллаб-қувватладилар, уларнинг хароб қилинган шаҳар ва қишлоқларини, корхона ва муассасаларини, колхоз ва совхозларини, хўжалик ва уйларини тиклаш учун қўлдан келган ёрдамни аямдилар.

Л. ҲАМРОЕВ.
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, СССР Журналистлар союзининг аъзоси.

Ишчи—фахрли ном

БИР КАСБДА 30 ЙИЛ



Тўқин-сочин дастурхонининг нонсиз тасаввур эта олмаймиз. Деҳқонларимизнинг мисли қўрилмаган жасорат билан етиштирган дон маҳсулотига қалб меҳрини бериб, сифатли ва лаззатли нон тайёрлаб, халқимиз дастурхонига етказиб бераётган юзлаб уста нонвойлар турли корхоналарда ўз бурчларини юксак даражада адо этаётдилар. Булар орасида Тошкент нон ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 5-нон заводнинг смена мастери Обиджон Қосимов ҳам ўз хизматини вифодан бажариб келаятган. Ўз ишига меҳру ҳавас қўйган, топирилган вазифаларини ўз вақтида ва сифатли бажарувчи, ғайратли коммунист сифатида тан олинган инсонлардан биридир.

Урта мактабни битирган Обиджон 1957 йилда 5-нон заводига оддий слесарь-ремонтчи бўлиб ишга келди. Қичик мусасли, лекин тиним билмайдиган бу йилгича тез орада ўзининг тиришчи қўлиги билан коллектив орасида обрў орттирди. Меҳнатининг техник жиҳатдан соғлигини таъминлашга қаратилган ҳамма операцияларни пухта ўрганиб

зи бозори территориясидан обиджон цехи қўрилиб фойдаланишга топирилди. Шунда Обиджон ва унинг бригадалари аъзоларидан икки ишчи маҳсулот сифатини кўтаришга ўз вақтида нон етказиб беришдек ишга ҳисса қўлиши учун янги цехга ўтиб ишладилар. Тез кунда бу ерда ҳам қўллаб сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошладилар.

Айни шу кунларда Обиджон жонжон заводига меҳнат қилиб келаяпти. Унинг ишдаги эришгаётган муваффақиятлари ҳақида сўрасак, у жимлайиб:

— Бригаданидаги ишчи-деҳқонларимиз вақт яхши демайман, баъзида сифати кўнгилдагидек бўлмаган маҳсулот чиқарилган вақтлар ҳам бўлиб туради. Лекин бундай ҳолини батамом бартараф этиш учун бригадамиз ҳаракат қилипти. Эришгаётган ютуқларимизда бригадалаги ҳар бир ишчининг катта улуши бор, ўзим эса

коллективда ишни яхшилаш учун куч-қувватимни ҳеч аямай меҳнат қилишга тайёрман, — деб жавоб берди.

Бригадирнинг бу сўзлари унинг ғойат даражада камтаринлигидан далolat беради.

Салкам ўттиз йилдан бери бир корхонада меҳнат қилиб келаятган Обиджон яхши оила бошлиғи ҳамдир. У беш фарзанднинг отаси. Обиджон уларнинг тарбияси билан ҳам тинимай шуғулланиб келади, болаларини ўқимини, наминат учун фойдаланиб инсон қилиб етказиш йўлида тинимай қайгуради. Ветеран нонвой кўп йиллик тажрибалирини ёшларга бажонидил ўргатиб келаяпти. Унинг яқин ёрдами туфайли Ўшлардан Абдулҳаққов Жалилов, Рихсизилла Расулов, Абдували Соттиев ва бошқалар нонвойлик касбининг мукаммал эгаллаб олдилар. Уларнинг тулганлар тажрибасини, билиминини, куч-қувватини аямай хизмат қилаётган коммунист ишчи Обиджон Қосимовнинг кўксини иккинчи Меҳнат Қизил Байроқ ордени беэаб турибди.

— Камтарона меҳнатларим учун берилган бу муқофотлар мени янада зўр меҳнат қилишга, маҳсулот сифатини ошириш ва халқимиз учун азиз бўлган нонвойлик хилларини кўнайитиш йўлида куч-қувватимни аямай сарфлашга қорайди, — дейди Обиджон Қосимов.

Ишонч билан айтиш мумкинки, улуғ касб эҳтисомиди Обиджон Қосимов халқ дастурхонига бўйсилдик нонлар етказиб бериш йўлида бундан буён ҳам кўп йиллар сидқидилан меҳнат қилари.

Ф. ҒАФУРОВ.

Қурилиш майдонларида

РЕЗЕРВЛАРНИ ИШГА СОЛИБ

Пойтахтимиз кундан-кунга чирой озмоқда. Баланд-баланд иморатлар қад қўтармоқда. Қай томонга назар ташламаган бўндоркор ишларнинг гувоҳи бўласиз.

«Октябрь» 50 йиллиги кўчасида қурилатган олти қаватли бино ҳам қурилиш ишлари аяқлади. Бир томонда монтаж ишлари, иккинчи томонда гишт терий ишлари, яна бир томонда эса бетон қўйиш ишлари давом этапти. Қурувчиларнинг шижоатидан кўнгилнигиз тўлади.

Химия физика полимерлар институтининг янги биноси қурилиш тугалланиши босқичида турибди. Оригинал лойиҳа асосида қурилатган объект Иттифоқимизда ягона ҳисобланади. Ҳозир босқичида қурилиш-монтаж ишлари тугалланди, пардоз ишлари бошланди. Винонинг техник қисмида

бўлиб, мусобақа якунлари ҳар ўн кунда эълон қилинмоқда. Ғойиблар моддий ва маънавий рағбатлантирилат. Бир-бирининг ютуғидан илҳомланган қурувчилар яна ҳам шижоат билан ҳаракат қилишапти.

Асқад Қажомов бошлиқ монтажчилар бригадасидан А. Еремеев, В. Забелин, Қ. Мамашарипов, М. Соҳидов ва Рустам Ҳасанов бошлиқ гишт теруучилар бригадасидан И. Исроилов, В. Орифқосимовлар айниқса жонболик кўрсатиб меҳнат қилишмоқда. Улар кунлиқ топириқларини 115—120 процент адо этмоқдалар.

Уз биринчи беш йилликнинг якуловини кунда 600 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришнинг планлаштирилганми, — дейди устаси пробаби Ҳайрулла Токимов, — планини бажариш учун барча имкониятларга эгамиз. Қурувчилар — барча резервларни ишга солиб партияимизнинг набатдаги XXV сўзидан ва Буюк Ғалабанинг 40 йиллик юбилейини меҳнат зафарлари билан кутиб олиш иштиёқида меҳнат қилишмоқда.

Д. ҚИРГИЗБОВ.

ЭЛЕКТРОНЕЙТРАЛИЗАЦИЯ ҒАНА ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

ВЦСПС меҳнатни муҳофиза қилиш илмий-тадқиқот институтининг мутахассислари табиий ва химиявий товлани аралаштириб, ғазлама тўқимда вужудга келувчи статик электр зарядларини йўқотишда ёрдам бердилар.

Лаборатория широтлари ва корхоналарда олиб бориладиган кузатишлар мусбат зарядлар тирик организмга зийн етказишидан ташқари технология машинизацияларнинг тез тез ишдан чиқиб туришига ҳам сабаб бўлишини кўрсатди. Масалан, калава гойтада хурпайиб кетиб, ип йиғириш машиналарининг иш органларига ёпишиб қолади.

Олилар статик электрга қарши кураш учун принципал янги курлма-приматик электронлари бўлган юксак вольтли нейтраллизаторларни тақлиф қилдилар. Бундай нейтрализаторлар В. И. Ленин номидаги Иваново камволь комбинатида ишлаб бошладилар.

Валлар ўртасида юнг полотно ҳаракат қилади. Поток линия охирида эса заиф бир шуълавланиш кўраими. Бу ерда кучлиниш таъсиринда юлқа ҳаво қатлами ионлашиб, тўплали қолган зарядлар ана шу ионлашган қатламдан худди симдан ўтган каби ўтиб, ерга уланган электродларга кетеди. Бу ишлар ишчиларнинг қарачисини гойтада камайтиришга, ип узиллиларини қарийб икки баравар қисқартиришга, бинобарин иш умминини анча оширишга имкон берибди.

А. ФРАНКОВСКИЙ,
ТАСС мухбири.

ЖАХОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБАРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

МЕДИКЛАР ҲАМКОРЛИГИ

УЛАН-БАТОР. Соғлиқни сақлаш соҳасида МХР билан Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ўртасида мустақам ҳамкорлик муваффақиятларини ривожлантирмоқда. Ҳозирги вақтда монголиялик меҳнат олимлари қирқдан ортиқ муҳим мазунини биргаликда ишлаб чиқишда актив иштирик этмоқдалар. Соғлиқни сақлашга раҳбарлик қилишни тақомиллашти-

риш ва уни ташкил этиш, оналар ва болалар соғлигини сақлаш, юрак-қон томир касалликлари қарши кураш каби ақтуал проблемалар шулур жумласидандир.

Республиканинг қардош давлатлар, энг аввало Совет Иттифоқи билан ҳар томонлама ҳамкорлиги Монголия меҳнаткашлари соғлиқни сақлаш системасини жадал ривожлантириш ва мустақамлашга кўп

даржада кўмаклашмоқда. Шу беш йилликнинг ўзидagina СССР кўмагида Улан-Баторда икки тасолаштирилган медицина маркази, мамлакатнинг индустриал маркази бўлган Эрдэнэт шахрида замонавий клиника комплекси бунёд этилди. Пойтахтда Освдэ энг катта 600 ўринли окумули касалликлар шифонаси, бошқа бир канча соғлиқни сақлаш объектлари жадал қуришмоқда.

лишича, РС ва РСЕнинг фаолияти ўтган модия йилида кескин кучайтирилди, шу давр ичида уларга 118 миллион доллар маблағ сарфланди.

Жумладан Марказий Разведка Бошқармаси Америка разведкасининг агентлари, собоқ нацистлар, шунингдек советларга қарши муҳожир муртадлар орасидан синчиллаб танлаб олган ва тарғибчилик га-

ламисликлари соҳасида иктисослашган 1750 «эксперт»дан иборат бўлган шу радиостанцияларнинг штати 1960 йиллардан буён энг кўп миқдорда «тўлдирилди». Елгон-яшиқ тарғибчи радиостанцияларнинг Вашингтон филиаллари анча кенгайрилди, уларда Оқ уй, Пентагон ва давлат департаментининг ёрдами билан социализм мамлакатлари тўғрисида тухмат материалдан тўқилади. Исломобод

ва Гонконгда РС билан РСЕнинг бўлимлари очилди. 46 та кучли перадаччилик кўпчилиги асбоб-ускуналар билан қайта таъминланди ва модернизация қилинди, бу перадаччиликнинг асосийлари Португалия, Испания ва ГФРда жойлашган. Бундан ташқари, ҳужжатда айтилишича, Вашингтон Урта Осиё республикаларига ва СССРнинг шарқий районларига бериладиган эшиттиришларни кучай-



ОБЪЕКТИВДА— ЛОНДОН

Ҳозирги кунда Англиядаги ўн саккиз миллионга яқин киши ноқурилишда ҳаёт кечирмоқда. Уларнинг кўпчилиги ҳаёт кун кечирш учун ҳеч қандай даромадга эга эмас. Иш жойини йўқотган англияликлар бир иложини қилиб кун кўриш учун ҳар қандай ишга рози бўлишмоқда.

СУРАТЛАРДА: мамлакат пойтахти Лондондаги ишчиларнинг бугунги аҳоли тасвирланган. Жумладан, лондонлик қария кўй чалиб кун кўриш ниятида; бу қария эса ўз хизматини реклама бюросига тақдим қилган.

ПСИХОЛОГИК ҒАЛАМИСЛИКЛАР

ВАШИНГТОН. Рейган маъмурияти социалистик мамлакатларга қарши психологик ғаламисликлар кўламини кенгайтирмоқда. АҚШ халқаро радио эшиттириш кенгаши эълон қилган наватбадаги йиллик доклад шундан далolat беради. Ҳужжат 1983 йил

1 октябрдан 1984 йил 30 сентябргача бўлган даврни ўз ичига олади.

Кенгаш ГФРнинг Мюнхен шаҳри яқинида уя қўриб олган, Американинг кўпуровчи «озодлик» ва «Эр кин Европа» (РС ва РСЕ) радиостанцияларига «васийлик» қилди. Бу радиостанциялар аслида Марказий Разведка бошқармасининг филиалларидир. Докладдан маълум бў-

лишича, РС ва РСЕнинг фаолияти ўтган модия йилида кескин кучайтирилди, шу давр ичида уларга 118 миллион доллар маблағ сарфланди.

Жумладан Марказий Разведка Бошқармаси Америка разведкасининг агентлари, собоқ нацистлар, шунингдек советларга қарши муҳожир муртадлар орасидан синчиллаб танлаб олган ва тарғибчилик га-

КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

ламисликлари соҳасида иктисослашган 1750 «эксперт»дан иборат бўлган шу радиостанцияларнинг штати 1960 йиллардан буён энг кўп миқдорда «тўлдирилди». Елгон-яшиқ тарғибчи радиостанцияларнинг Вашингтон филиаллари анча кенгайрилди, уларда Оқ уй, Пентагон ва давлат департаментининг ёрдами билан социализм мамлакатлари тўғрисида тухмат материалдан тўқилади. Исломобод

ва Гонконгда РС билан РСЕнинг бўлимлари очилди. 46 та кучли перадаччилик кўпчилиги асбоб-ускуналар билан қайта таъминланди ва модернизация қилинди, бу перадаччиликнинг асосийлари Португалия, Испания ва ГФРда жойлашган. Бундан ташқари, ҳужжатда айтилишича, Вашингтон Урта Осиё республикаларига ва СССРнинг шарқий районларига бериладиган эшиттиришларни кучай-

тириш имконини берадиган перадаччиликни кучайтириш мақсадида Осиёдаги бир қанча давлатлар билан музокаралар олиб бормоқда.

Халқаро радио эшиттириш кенгашининг докладига гўё «Озодлик» ва «Эркин Европа» радиостанциялари ўз фаолиятида «аниқлик ва холислик талаблари»га қатъий риоя этмоқда, деб асосиз равишда даъво қилинади. Амада эса Марказий Разведка Бошқармасининг буйруғини бажарувчи РС ва РСЕ радиостанциялари ўта кетган тухматчилардир.

Ошқора тазйик

БРЮССЕЛЬ. Қўшма Штатлар Бельгияда Американинг 48 та қанотли ракетасини жойлаштиришга узил-кесил розилик беришга мажбур қилиш мақсадида унга тазйикни кучайтирмоқда. АҚШнинг Бельгиядаги элчиси Ж. Суйб мамлакатда тинчликсевар жамоатчилигининг АҚШ билан НАТОнинг хатарли режаларига қарши кураши кучайиб бораётган бир пайтда шу

проблема хусусида баёнот бериб, мамлакат ҳукуматида очидан-очик зуғум қилди. Америка элчиси тазйик палласини АҚШ ва НАТОдаги бошқа кучлар томонига одигирлаш уриниб, В. Мартенс — Ж. Голь бошлиқ ўнг марказчи коалиция ҳукуматдан «Европа ракеталарини жойлаштиришни кечиктирмаслик»ни талаб қилди, бу ишни орқага сурши «НАТО»даги

иттифоқчиларнинг позициясини заифлаштирган бўлур эди», деб даъво қилди. Шу билан бирга, Суйб ҳатто ҳукумат шағинжа бироз пардаланган пўниси қилишгача етиб борди.

Америка элчисининг андишасизларча хулқ-атвори Рейган маъмуриятининг Ғарбий Европадаги ўз шерикларига шу мамлакатлар халқларининг манфаатларини писанд қилмай,

УЛАР билан мен ҳозир намоёниш этилаётган «Маршал Жуков» фильмининг премьерасида танишдим. Ёнида бир неча алоҳида мансуб кишилар ўтиришарди. Жуковнинг невариси — олти ёшли Георгий фильнда унинг бобоси Берлинда уруш тамоми бўлганлиги ҳақидаги ахтга имзо чекаётган лаҳзада шайқал мен сўроққа тўғарили: товушдан қўн оқ қўндан нимаси билан фарқ қилади. — Ҳозирча уни «Ҳайвонот олами»да кўрсатуви бобосининг таржиман ҳолидан кўра кўпроқ қизиқтиради. Маршалнинг иккинчи қизи шундай деб эътироф этди: «Фақат эдингизга чинакамга уруш нима эканлигини ва отамнинг зиммасига қандай оғир юк тушганлигини тушуна бошладим».

Ёнида-ён ўтирган яна икки киши экрандан кўзларини узишмас эди. Улар учун уруш тарихида ҳолларнинг бир қисми эди, Жуковни эса фақат газеталардаги суратлардангина билишарди. Улар бутун уруш давомида, унинг сўнгги кунига ҳам маршал билан ёнида-ён бўлишган эди. Улардан бири шофёр, иккинчисининг зиммасига эса Жуков топириқларини бажарадиган офицер вазифаси юклатилган эди.

1970 йилда мен маршал билан суҳбатлашган эдим. Жуков мен саркарда сифатидагина эмас, инсон сифатида ҳам қизиқтирар эди. Бирок, мўлжаллаб ўқиб саволларимдан кўпини беришга тўғри келмади. Жуков ботоб бўлиб, фақат энг муҳим нарсалар тўғрисида гаплаганди.

Ҳозир олдимда урушда Жуковнинг ҳамроҳлари бўлган, у билан минглаб километр йўлларини босиб ўтган, ҳандақларда бирга тунашган, унинг

характерини, ҳарбийча оддий кунларини биладиган кишилар ўтиришарди. Шофёрни БУЧИН Александр Николаевич деб аташди. Мен у шу кунгача ҳам шофёр бўлиб ишлаганини, чет элларга улкан автогаонларини ҳайдаб боришини билиб ҳайратга тушдим. Бундай рейслар икки ҳафта давом этди. «Оғирлик қилмайдими?» дейман. У кулади: «Чиниқанман...» Уруш бошланганда у 24 ёшда эди. Уша эски суратда қорачандан келган қотма лейтенант бўлиб турибди. Жуков уни Ельня яқинида учратганиди. Унинг машина ҳайдашини кўриб, бутун уруш давомида ва ҳатто урушдан сўнг ҳам уни ёнидан сикитмади. Александр Николаевич орденлар ва медаллар билан мукофотланган. У «Улуу Ватан уруши фронтларининг барча йўлларини мен билан бирга босиб ўтган энг яхши шофёрим, ҳурматли Александр Николаевич Бучинга» деб дасхат эъланган Жуковнинг эсдаликлар китобини менга алоҳида бир гуруҳ билан кўрсатди.

Николай Харлампиевич БЕДОВ дўстидан каттароқ эшда. У ҳозир пенсияга чиққан, ҳасталигидан шикоят қилади. Лекин энг муҳим нарсани — хотирасини йўқотмаган. Мен унинг Жуков бўлган жойлар билан боғлиқ саваллар, шаҳар ва қишлоқлар, кишиларнинг ишларини, қиссалар номерларини ҳеч тутилмасдан айтиб бериш қобилиятига қўйил қолдим.

Майор Бедовнинг вазифаси осон эмасди. У маршал Александр Николаевич бошлиғи ҳамда топириқларини бажарадиган офицер эди. У ҳамма жойда Жуковга ҳамроҳ бўлиб юриш, ҳар бир дақиқада у билан ёнида-ён бўлиш керак эди. Худди шундай бўлганди. Ҳамма жойда. Мана, энг сўнгги суратлардан бири: Жуков, Монгоме-

ри, Эйзенхауэр ва Жуковнинг ёнгинасида — Бедов.

Урушнинг кўчанчи турмушида маршални кўриқлайдиган киши зиммасига кўпдан-кўп бошқа вазифалар ҳам тушади: тунайдиган жой топиш, овқат тайёрлаш, шошилинч топириқлар... Николай Харлампиевич ўз хохшича яна бир вазифани бажарарди: у фақат ёни дафтаридагина эмас, фотокамераси билан ҳам ҳамма нарсани қайда қилиб борарди. У Жуковни бошқа ҳеч ким суратга ололмайдиган шароитларда ва жойларда суратга туширарди. Бу ҳаваскор фотографикнинг барча плёнкалари бутун. Улар бебаҳо қимматга эгадир. Жуков ҳақидаги фильнда унинг 50 та суратидан фойдаланилган. Шунинг билан ишонч билан айтиш мумкинки, бу оддийгина инсоний ҳужжатларсиз маршалнинг фильндаги образи тўлақонли чиқмасди.

Бучин ва Бедовларнинг уруш йиллари тўғрисидаги эсдаликларини нима биландир ана шу ҳаваскорлик суратларига ўхшайди. Бу маршал портретига чизиларди. Бу чизиларда биз маршални парадларда кийиладиган мундирда эмас, урушдаги ҳар кунги кийимларда кўраимиз. Булар биз Жуков тўғрисида ҳужжатлар, унинг эсдаликлар китоби, саркарданнинг сафдошлари эсдаликларини бўйича билганларимизга жуда яхши қўшимчалардир. Мен маршалнинг ҳарбий ҳамроҳларини билан суҳбатлашиб ўз вақтида маршалга бермоқчи бўлган саволларимга жавоб олдим.

Бу суҳбатда жойини «тема» мақсадида Александр Николаевич Бучиннинг исми ва отасининг исми А. Н. Николай Харлампиевич Бедовнинг исми ва отасининг исми Н. Х. ҳарфлари билан белгиланган.

Н. Х.: Албатта, Москва остоналаридаги жангдан сўнг немислар Жуковнинг баҳосини яхши билишарди. Унинг қўшинларда пайдо бўлиши жиддий ҳужумга тайёрликни кўриқлаётганлигини аниқларди. Георгий Константинович фронтга бошқа фамилияда келарди. Ҳарбий белгилари ҳам шинель ёки плаш остидан кўринмасди. Лекин уруш охирида у қўшинларга маршаллик погонларини тақиб борарди. Уни ҳатто солдатлар ҳам афтидан танишарди. Бу кишини руҳлангирарди.

— Сиз Жуковни кўриқлар эдингиз. Унинг бирор қуроли бормиди? Ахир йўлларда кўпуровчилар бор эди, фронт ҳам яқин эди.

Н. Х.: Уруш бошида унинг пистолети бўларди. Лекин 42-йилнинг баҳорида Калугага бораётганимизда ўрмончада машинамиз гилдирагининг балони бўшаб кетди. Саша, запас гилдиракни олиб ўрнатгичга машинадан чиқиб кутиб турдик. Георгий Константинович: «Кел, отишиб кўралик» деди. У менга бешта патрон берди. Узининг пистолетига ҳам бешта ўқ жойлади. Оқ қайнинг наранинг бир бўлагини илб қўйдик. Бу ерда 30 қадам ўлчаб, навабт билан отишмишга тушдик. Иккаламиз ҳам нишонга теккизимиз. Лекин меннинг ўқларим нишонга зичроқ тегибди. Георгий Константинович табассум билан менга ўз пистолетини берди. Уша пайтдан бери унинг қўлида қўшотар ов милтигидан бошқа қурол кўрганим йўқ.

— Жуковнинг «Атар иш шунин талаб қилса, олдинги чизикда ерни қорним билан ҳайдар эдим» деган гапи машҳур. Сиз бу қандай бўлганлигини билсангиз керак!

Н. Х.: Биламан, албатта. Барча ҳолларда мен маршалга ҳамроҳлик қилганман. Бу одатда бирор катта ҳужум арафасида бўларди. Георгий Константинович ўзи жойини баҳолашини, жанг қандай кечишини тасаввур қилиб кўришни муҳим, деб ҳисобларди...

— Бу жиддий таваккалчилик эдим!

Н. Х.: Заурет бўлмаса Жуков таваккалчилик қилмасди. Бирор нарсани кўз-кўз қилиш унинг характерига ёт эди. У жасур ва мард инсон эди. Иш манфати учун ўзини ҳам аямасди, бошқаларга ҳам талабчан эди. Лекин урушда таваккалчиликсиз бўлмайди. Шундай воқеа бўлган эдики, ўшанда шахсан менга осмон бир парча бўлиб кўринган. Қурс ёйидаги жангларда Жуков Қароргоҳнинг Бранск фронтига ҳужумга ўтиш тўғрисидаги буйруғини беришдан аввал зарба бериладиган жойга келди. Бу 43-йилнинг 11 июль кунин эди. Машинамиз ўрмончада, олдинги чизикдан тахминан 1 километр нарида қолдик. Бундан бу ёнга у фронт кўмондони М. М. Попов билан яёқ кетди. Олдинги чизикка етай деганда: «Энди сиз шу ерда қолинг, бу ёнга мен бир ўзим...» деди. У танклар ҳаммага ташлашини учун жўр турган танганганига ишонч ҳосил қилишга кетди. У чалканга ётиб, олдинги ўрмалар кетди. Мен унинг орқасидан ўрмаладим. Бетараф жойда Жуков пасткам ва тепалик жойларини диққат билан кўздан кечирди. Орқага қайтаётганимизда, афтидан, немислар бизни сезиб қолди. Миналардан бири олдимизга, иккинчиси орқамизга тушди. Жуков «Учинчиси бизники, ерга ёпишиб ол», деди. Бунинг эшитиб, мен хизмат вазифамда кўрсатилганидек, гадам билан маршални берикдим. Мина биздан тўрт метр нарида туфайли парчалари устимиздан ўчиб ўтиб кетди. Бироқ портлаш бизни яхшигина қарақт қилди. Георгий Константинович зийнати қолди. Уни Москвада кўздан кечирган профессор госпиталга ёткази госпиталга». Муважжаси аранга фронтга келишга тўғри келди. Шу ерда икки ой давомида даволанган.

— Уруш солдатга ҳам, маршалга ҳам бир хил мушкуллар. Сизнинг кузатишингиз бўйича қайси кунларда Жуков энг танг ҳолдада қолган?

Н. Х.: Москва бўсағаларидаги жанглар пайтида. Ушанда у бир неча-кундада 2-3 соат ухларди. Немисларни улоқтириб ташлагач, жуда кескин танглик қамалгач, Жуков уни бирор ўш соат уй-ғотмасини кўриди. Шунда кутилмаганда жиддий кўнғироқ бўлди. Катта адъютант Медведев Жуковни уйғота олмаганлиги тўғрисида телефон орқали доклады қилди. У соат ўтгандан кейин шотбадан генерал Соколовский шошилинч етиб келди. У яна Сталин кўнғироқ қилётганлигини айтди... Ўзи Жуков ётган хонага кирди, лекин: «Кўнғироқ олмаганимиз» деб айтмишга мажбур бўлди. Ушанда Сталин гўё «Уйғота кўрманлар ҳам, тўйиб ухлаб олсин» деган эди.

В. ПЕСКОВ.

(Давоми бор.)



Москва областининг Петрищеве қишлоғида жасур қомсомол кўз, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Зоя Космодемьянскаянинг уй-музейи домло бу ерга келувчилар билан гавжум. Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига тайёргарлик кўриқлаётган айтиш шу кунларда музей билан танишайтганлар сонини ошиб бориқ. Бу ерда жасур кўз ҳаёти билан боғлиқ бўлган материаллар тўпланган. Қаҳрамон кўз ҳалок бўлган ерда унга ёдгорлик ўрнатилган. СУРАТДА: жасур кўз Зоя Космодемьянскаянинг уй-музейи. Х. Шодиев фотоси.

Фан оламида нима гап?

УМРИ ТОҒЛАРГА ПАЙВАНД

Ҳурматли редакция! Маълумки кўп дарёлар тоғлардан бошланади. Дарёларини олимлар қандай ўрганишади, уларнинг умри қанча давом этади?

М. ПАРПИЕВА, Ҳ. ПАРПИЕВ, студентлар.

Дунё харитасига назар ташлаганда, киши диққатини қуруқликда тарқалган турли-хил катталикдаги эгри-бугри ҳаворанг чизиклар жалб қилади. Бу оша табиатнинг қон томирлари — дарёлардир. Қуруқликда барча маъжудотларнинг турли-хил дарёлар умри билан чамбарчас боғланган. Ҳўш, дарёлар қандай пайдо бўладилар, уларнинг умри қанча бўлади?

Бейоши текисликлар ва улуғвор тоғларнинг бағрини тилиб, ўз манзил бўлимиш деңиз ва океанларга шошиқлаётган дарёларнинг ҳаёт тарзи ўзгача. Уларнинг эчкилиги, қаттиқчилиги, серсувлиги шу жойининг ер юзаси, қиёфасининг характери ва қандай тоғ жинсларидан ташкил топганлиги билан белгиланади.

Фараз қилаётганим, бирор текислик тектоник кучлар таъсирида баланд бурмалли пахласиз тоғларга айланиши ва бу тоғ бошқа ҳеч кўтарилмайдиган тоғ ёнбағри бўйлаб ҳар юз метрга кўтарилганда ҳаво ҳарорати бир даражага соғий бориши ҳисобига тоғларнинг маъжлум баландликларидан эгир, баъзан эса ёзнинг жазирасида исмиқ кўнларда ҳам қор, дўл ёғиш мумкин. Ёғин-сонин сувлари кишиқ жўнчаларга таълиб, пастлик томон — океан бўлайди. Жўнчалардаги сув оқими жойларларини, жойларга эса оқимлар ва низоҳат сойлар йиғиндилардан дарёлар ҳосил бўлади. Эндики, на ҳосил бўлган дарё ўзининг ёшлик босқичида ривожланиа боради. Бу давра учун тоғ водий, тик ёнбағрилар, шаршараларнинг қўлплги, сувнинг шиддатли оқимиға ҳа бўлиш, сув айриқчи майдонларни ўтиб бўлимас қояли кўйилардан ноборатлиги билан характерланади.

Дарёлар ёшлик босқичидан бошлаб, ўзларини дунёга келтирган асоси — тоғларини ер юзидан батамом екириб, текисликка айлантиришдики ишнинг ўз зиммасига олади. Дарёларнинг бу борадаги бажарадиган иш суи оқимининг куч-қудратига боғлиқ. Пасткам жойларини эгаллаган дарёлар қурбн атганича тоғ бағрини тобора араллаб, ўйиб қуқурлата боради ва катта-кичи ҳарсанг тоғларини, қум ва лойларини оқиниб узоқ масофаларга ташийди.

Сув айриқчи майдонларни анча пасайиб, водийларнинг ёнбағриларни яқинлаштириб, шаршаралар йўқолиб, сув оқимининг тезлиги нисбатан сустлашганда сўнг дарё водийсн жинҳозланган ҳисобланади ва ўзининг навқирон ёшлик босқичига қадам қўяди. Дарёлар бу босқичда серсув бўлиб, максимал даражада иш бажариб. Эндиликда дарё ўз ўзининг қуқурлатибгина қолмасдан, қирғоқларини ҳам ювиб, водийснни кеңайтири боради. Дарёларнинг зиммасидаги ишнн бажаришга нураш, ёнбағриларда содир бўладиган қор кўчиси, сурилма, кулаш каби ҳодисалар актив иштирок этади. Улар екирилган тоғ жинсларини дарё ўзинига туширади. Дарё сув оқими эса йил давомида, айниқса баҳор фаслида шошиб-тошиб оққан пайларда тайёр тоғ жинсларини тоғлар зонасидан ташқарига олиб кетади. Бу жараён миллионлаб йиллар давом этади.

Низоҳат, дарё ўзининг қарилки босқичига ўтади. Бу даврга келиб дарёлар оралиғиди майдонлар текислаиб, аҳён-аҳён майдонда ясс тепаликларига қолади. Дарё ўзини билан сув айриқчи оралиғиди нисбий баландлик минимал даражада пасаяди. Оқибат-натияжада аввалгиг

паст баландликлардан ноборат ясситопликларга айланади. Эндиликда фақат баҳор фаслида вақтинча оқадиган сойларига қолади. Бундан бўён ёнбағрилардан тушган тоғ жинслари водийнинг таг қисмининг тўлдириб қўйма бўлайди, қулни уларини олиб кетишга суи сувнинг кучи етмайди. Кейинчалик ясситоплиқнинг текислаиб кетиши мунособати билан сойлар ҳам бутунлай йўқолади. Шу дақиқадан бошлаб дарё ўз фаолиятининг инқоёсига етади.

Геологик вақт ҳисобига олганда дарёларнинг ёшлик босқичи энг қисқа, қарилки даврлари эса энг узоқ муддатга давом этади.

Шундай қилиб, тоғли ўлкаларнинг дарёлари тоғларнинг ҳосил бўлиши билан «туғилди» ва тоғларнинг екирилиб текисликка айланиб кетиши билан ўз умрини тугатади. Тоғлар умриға ўз умрини пайвандадиган дарёлар [тоғлар ўсимган тақдирда] тахминан ўш миллион йил яшаш мумкин. Қувонарли жойини шундай кетилиш тоғлар, жумладан, ўлкамаздаги тоғлар ҳам қайтадан ашариб келган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб туради. Демак, бундай тоғларга ўрнашган дарёлар трикликча қолаверлади.

Текисликда таркиб топадиган дарёларнинг ҳаёти ўзига ҳа бўлиб, жойининг иқлимига, рельефи ва геологик тузилмиға кўп жиҳатдан боғлиқдир. Тадиқотчилар турли иқлим шароитида дарёлар ҳосил бўлиши учун зарур бўлган ёғинлар «нормасини» ҳисоблаб чиқшган. Масалан, ўртача геогрaфик кеңлигидаги паст-текисликларда 250 миллиметр, субтропик зоналарда 500 миллиметр, ниссиқ иқлимли раионаларда, жумладан Урта Осиёнинг текисликларини каби ард иқлимли ўлкаларда қамда минг миллиметр ёғин ёғиш лозим экан. Намлик «нормаси» етарли бўлганда ён карст ҳодисалари учрайдиган территорияларда дарё пайдо бўлмайди.

Агар дарёларни бор бўлган текисликларда иқлим қуруқлашиб кетса, у ҳолда дарёлар сонин кескин қамаяди, ирмоқлар асосий дараға етиб келмасдан ўзига-ўзига қолиб кетади, баъзилари вақтинча оқар сувларга айланади ёки бутунлай қуриб қолади. Дарҳақиқат, иқлимшунос олим А. И. Воеков таъбири билан айтганда дарёлар «иқлим маҳсули»дир.

Табиат инъоми — азиям дарёлар энг зарур сув ресурсларидан. Улар сайёримиздаги барча маъжудотларни тебратмоқда. Аҳоли пунктларини, асосий экин майдонларини дарёлар ёқасида жойлашган. Ҳисобларга қараганда, шаҳар аҳолисининг ҳар бирига бир суткада сарфланадиган сув миқдори 60 литрни ташкил этади. Азиям Тошкентнинг территориясини оқиб ўтаётган Чирчиқ дарёси, Салор, Қорқамақчи, Кайковус, Анҳор, Буржир қаналлари жуда қадимий обҳаво манбаларидадир. Партия ва ҳукуматимиз ана шу сув нишоотларини асраб-авайлаш, санитария-гигиенасини тоза сақлаш ва она-табиати мизни гўзаллаштиришга катта ғам-хўрлик кўрсатмоқда.

Дарё, анҳор, қўлларимизни, умуман сув нишоотларимизни тоза-озода сақлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Абдурашул СОАТОВ, СССР География жамаиятининг ҳақиқий аъзоси.

СЎНГГИ ТО КОЛОНКА

● ҲАЙКАЛТАРОШЛИК КОМПОЗИЦИЯСИ
Таниқли чехословак ҳайкалтарошлардан профессор Станислав Либенский ва академик Ярослав Брнтовалар ҳайкалнинг тинчлик учун курашини фойдалайдиган ойнали ҳайкалтарошлик композициясининг лойҳасини яратдилар. У Москва метросининг «Прага» станциясини беъайди. Маскулиятнинг бюртамани «Жевоисбродске скло» ва водийнинг энг яхши усталари бажаришадн. Маълумки, улар совет мухтассаслари билан ҳамкорликда бундай этилаётган Прага метрополисининг станцияларини учун ойнадан бирчата ҳайкалтарошлик композицияларини тайёрлаб берган эдилар.

● АНЪАНАВИЙ ФЕСТИВАЛЬ ЯКУНЛАНДИ

Аргентинанинг Кордова вилоятидаги Коскин шаҳрида «Коскин — 85» деб аталувчи халқ музикаси ва кўшнларини аниъанавий фестивали якунланди. 9 кун мобайлида мамлакатнинг турли районларидан келган хонанда ва бастакорлар, Бразилия, Испания ва Чилидан ташриф буюрган меҳмонлар Аргентинанинг музика фольклорини энг янги асарларини тингловчилар ҳузурида ижро этдилар. «Коскин — 85» фестивали яқин келажакда ўзларини катта бешдан ҳамкасбларидан музикали эстафетани қабул қилиб оладиган ёш талантларини аниқлаш имконини берди.

● «СИХАРУЛИ»НИНГ АЖОЙИБ УЙИНЧОҚЛАРИ

Тбилисдаги ўйинчоқлар тайёрланадиган «Сихарули» ишлаб чиқариш башламаси коллективни кишичотойларга ажойиб совға ҳозирлади. Бу ерда СССР халқ артисти Сергей Образцов яратган моделлар асосида болалар спектаклининг қўнуқ ва ҳафизақиссасидаги ўйинчоқларни ишлаб чиқарилади.

Бошқа маҳсулотлар, шу жумладан енгил автомобилларнинг моделларини оммавий равишда ишлаб чиқаришга ҳазирлик қилинмоқда. Корхонада янги ускуналар монтаж қилинди. Унда тайёрланган ўйинчоқларга автомобилларнинг дастлабни туркуман болаларининг ҳам, катталарнинг ҳам диққати жуда мос тушди. «Сихарули» белгиси қўйилган маҳсулотлар мамлакатимизнинг қўлгина шаҳарлардаги магазинларда пештахтасига етказиб берилимоқда.

● «АҲЛ БУЛАЙЛИК, ЖОН КЕЛИН»

Қаёна билан келин бўлган ҳар бир оилда турмуш ва меҳр-муҳаббат қарор топиришининг йўли бориканми? Болгариянинг «Самовос» шаҳридаги клублардан бирда ана шу масалаларга бағишланган баҳс жуда ҳам қизғин ўтди. Ҳар икки томон бир-бирини кўпроқ ҳурмат қилиб, бир-бирини кўпроқ савр-тоқиб қилган шароитида ҳамма жойда мустақкам иттифоқ топиш мумкин, деган фикр қўлиб қинди. Бундай ҳолда қайнамо ўзи ҳам қанчаларди шу оғлага келин бўлиб тушганини, келин эса вақти-соати келиб қайнамо бўлишини унутмаслиқларни даркор. Ана шу баҳсини қўнуқ ва шаддоқ қайнамо ҳамда келиндан ташкил топган 20 муфт қайнамо-келин қизитиб турди.

● ҚОР ОДАМИНИ ИЗЛАБ...

Шотландиялик тадиқотчи Уильям Грант ҳаммасини қўшиб ҳисоблаганда ўзининг беш йил умрини Ҳимолай тоғларида ўтказди. Унинг бундан қўзлаган маънаси — афсонавий қор одамини аниқлаш эди. Яқинда Грант ана Непалга қараб йўл олди. У Эверест этакларидаги ўрмонларда уй ой бўлишни режалаштирмоқда. Бу унинг бешинчи экспедициясидир. Бу гап ҳам у қўзлаган натижанин бермаса Грант қор одамини излашни тўхтатиш ниятидадир. Непалга ўчиб кетиш олдидан Грант журналистларга қор одамининг маъжудлигига ишонини, лекин уни қидиришга ўзининг бутун ҳаётини бағишлаш олмаслигини айтди.

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

3 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

5 ФЕВРАЛЬ, 1985 й.



МАРШАЛ БИЛАН ЁНМА-ЁН



СУРАТДА: Г. К. Жуков 1936 йилда.

Энг биринчи савол:

— Москвадан Берлингача бўлган, турли томонларга боришга, Қароргоҳга қайтиб келишга, фронтнинг бир участкасидан бошқасига боришга тўғри келган Катта йўл... Бу йўлларда нима-ларда юрдигиз, қандай қилиб юрдигиз?

А. Н.: Уруш давомида жуда бақувват бўлган бир неча «Эмка», «Бьюик» машиналарининг шалогини чиқардик. Бизга энг кўп «Хорк» машинаси хизмат қилди. Йўл қанчалик имкон берган бўлса, шунчалик тезликда юрардик. Йўллар эса кўп ҳолларда бомбалардан ўқир-ўқир эди. Бундан ташқари туналари доимо чироксиз юрардик. Шундай ҳоллар бўлардики, Николай Харлампиевич автомобилнинг қанотига ётиб олиб, фанарини тез-тез ёқиб, ўқириб билан қўлни еритиб берардик...

— Жуков машина ҳайдашин билар эдим!

А. Н.: Йўқ. Бунга уриманган ҳам. У ҳаммиса олдинги ўриндиққа, шофёр ёнига ўтирарди. Йўлда сукут сақлар, ташвишли қиёфада бўларди. Ҳаммиса шошиларди. Ҳаммиса қисқарок йўлдан юришни хоҳларди. Биз эса миналар тўғрисида ўйлашга «ажаб»ур эдик. Ҳавфсизроқ йўлни танлардик... Жуков кўп ҳолларда менинг «ердамчик» бўларди. У таварак-атрофини тезда илгаб олар ва ҳаётга қилмасдан: «шу ёққа ҳайда» дерди. У машина бир текис, тез ҳайдаётганини айтқарди. Аммо, айниқса кечаси, айниқса 41-йилда Москва бўсағаларида фронт чизигидан немислар томонга ўтиб кетиш ҳавфи бор эди. Мен икки ўш орасида эдим: Жуков оёғи билан никтаб —«таврқоқ ҳайда!» деса, Николай Харлампиевич эса орқадан кўлини сездиришдан олканга қўйиб, қатъийлик билан «секириқ юр!» дерди.

Кўп ҳолларда машинанинг ичиди оқватланарди. Машинада тунашга тўғри келган ҳоллар ҳам бўлган. Эсимда: Киев яқинида Кременчугга, 1-Украина фронтинда 2-Украина фронтига машинада эрталабдан тунгача — 500 километр йўл юрди бордик. Фронт йўллариди бу жуда улкан масофадир. Калинин фронтнда шундай бир ҳодиса ҳам бўлганди: шундай лойқарчиликларга, тиклиқини жоғларда дуч келдикки, 50 километр йўлни 8 соатда босиб ўтдик.

Бизнинг «Хорх»имиз лойга ботиб қолган ҳоллар ҳам бўлган. Бу ерларда тракторлар ҳам бўлиб қоларди. Вақт эса кутиб турмасди. Бундай ҳолларда Жуков машинадан чиқиб ёнимиздан ўтиб кетаётган танк эриқининг устига ўтириб оларди. Табиқини, Николай Харлампиевич унинг

ёнига жойлашиб, ҳар эҳтимолга қарши пистолетини қўлига оларди...

— «Хорх» — катта машина. Немис учувчиларини уни пайқаб қолишса, бундай машинада лейтенант кетаяпти, деб ўйлашамаган бўлса керак...

А. Н.: Машинага фақат бир марта ҳужум қилдик. Обонь яқинида мен дала аэродромига маршал Василевскийни олиб кетётган эдим. Оқшом тушиб қолганди. Қор рангига ўхшатиб бўлган машина баҳор келиши билан қорайиб қолган шосседан кўзга ташланадиган бўлганди. «Мессершмитт» бизни ўққа тутиб қолди. Ҳаммаёқ яйдок бўлганлиги учун бирор жойга беркиниб бўлмасди. Мен машинамни қор томонга бура бошладим. Василевский кейинчалик Жуковга «Сенинг шофёринг туфайли омон қолдик дебди. Георгий Константинович бунинг менга катта муқофот тариқасида айтди.

— Уруш вақтида сиз Жуковнинг агона шофёри эдингизми?

А. Н.: Йўқ. Биз бир неча киши эдик. Машинани навабт билан ҳайдардик. Лекин улар орасида фақат мен Москвадан Берлингача бўлган йўлни босиб ўтганман.

Н. Х.: Лекин шунинг айтиш керакики, фронт Москвага узоқлашган ва Жуковнинг урушга раҳбарлик қилишдаги рол ортган сари фронтларга бориш учун махсус поезд жойлашладиган бўлди. Бу Олий Бот Кўмондон эриб-сонларининг ҳаракатдаги штаб-квартираси эди. Унинг олди ва орқасида зенит тўплари ўрнатилган платформалар бўларди. Поездада алоқа, қорувчилар вагонини, вагонлар, маршал штаби жойлашган вагон ҳам бор эди.

Албатта, сирини сақлаш ва эҳтиёткорлик чоралари кўриларди. Поезд жўнайдиган жойда жуда синчиклаб ниқобланарди. Фронтдаги турли жойларга машиналарда бориб, кейин поездага қайтиб келар эдик.

Бомбардируларми? Ҳа, булар ҳам бўларди. Айниқса, Қурсида қучли бомбардирумон бўлганлиги ёдимда. Маршал поездини қўлга тушириш учун махсус ҳаракат қилинганми? Бунинг айтиш қийин. Перхушковеда бомба Жуков штабига тушди. Бунинг тасодифи деб ҳисобланади. Лекин худди шундай воқеа Калинин фронтнда ҳам рўй берди. Ҳар икки сафар ҳам Жуков штабда бўлмаганлигини тасодифи деб ҳисоблаш мумкин.

— Жуковнинг фронтга келиши ҳамма вақт сир тутилганми?



